

Озиқ-овқат хавфсизлиги

МАҲСУЛОТЛАРНИНГ СИФАТ ВА ХАВФСИЗЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИНИ ОШИРИШ ҲАМДА УНИНГ ЭКСПОРТ ГЕОГРАФИЯСИНИ КЕНГАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ

Асилова Ф.М.¹, Абдирайимов А.Р.², Сирожиддинов Ж.С.³

¹Тош ДАУ «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини стандартлаштириш ва сертификатлаштириш» кафедраси ассистенти, asilovaferuza85@gmail.com

²Тош ДАУ «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини стандартлаштириш ва сертификатлаштириш» кафедраси ассистенти,

³ТошДАУ талабаси, info.sirojiddinov@gmail.com

Аннотация: Ушбу мақолада қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг сифат ва хавфсизлик кўрсаткичларини ошириш, уни етиштириш, қайта ишлаш ҳолати ва имкониятлари ҳамда жаҳон бозорига, хусусан Европа мамлакатларига халқаро стандарт талаблари асосида экспорт қилиш зарурлиги бўйича таҳлилий маълумотлар берилган. Республикамизда етиштирилаётган ва экспорт қилинаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлигига таъсир этувчи асосий омиллар ва талаблар таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг сифат кўрсаткичлари, маҳсулот сифати ва хавфсизлиги, экспорт, халқаро стандарт.

Кириш. Бугунги кунда мамлакатимиз аҳолисининг эҳтиёжидан ортиқча озиқ-овқат маҳсулотларини экспорт қилиш ва эҳтиёжи бор маҳсулотларни импорт қилиш муҳим масалалардан ҳисобланади. Республикамизда аҳолини озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини керакли ҳажмларда ва зарур бўлган сифатларда таъминлаш мураккаб вазифалардан бири ҳисобланади.

Асосий қисм. Ҳозирги кунда Ўзбекистон дунёнинг 170 дан ортиқ мамлакатлари билан ташқи савдони амалга оширмоқда. Уларни шартли равишда 2 та гуруҳга бўлиш мумкин: МДҲ мамлакатлари ва узоқ хориж мамлакатлари.

Ташқи иқтисодий фаолият доирасида товарларнинг олди-сотдиси бўйича барқарор муносабатларнинг шаклланиши нафақат давлат бюджетига валюта тушишига, балки ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг жаҳон бозорларида рақобатбардошлиги ортишига ҳам кўмаклашади. Шунинг учун экспорт ва импорт масалалари ташқи иқтисодий фаолиятнинг таянч жиҳатлари ҳисобланади.

Кейинги йилларда ҳукумат томонидан ўтказилган, экспортни рағбатлантириш, импортни оптималлаштиришга йўналтирилган ислохотлар ва умуман ташқи савдонинг

мувозанатига эришиш мақсадида мамлакатда амалга оширилаётган сиёсатнинг натижаси ўлароқ, 2021 йилнинг якунларига кўра Ўзбекистон Республикасининг ташқи савдо айланмаси 42,1 млрд. АҚШ долларига ўсиши таъминланди, бу 2020 йилдаги кўрсаткичга нисбатан 16 фоизга ортиқ.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ва бошқа маҳсулот турлари бўйича экспорт географиясини кенгайтириш мақсадида кўплаб ислохотлар амалга оширилмоқда.

Мамлакатимиздаги мавжуд табиий-иклим шароити қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун катта имкониятдир. Ундан оқилона фойдаланилса, маҳсулотларни чуқур қайта ишлаш кенгайтирилса экспорт ҳажмини ошириш мумкин.

Республикамизда дастлабки маълумотларга кўра, 2016-2019 йиллар давомида ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми – 171,2 фоизга, жумладан, мева-сабзавотчилик – 172,6 фоизга, чорвачилик маҳсулотлари – 170 фоизга, ўрмон ва балиқчилик маҳсулотлари – 177,5 фоизга ошди. 2020 йилнинг январь-март ойларида

Ўзбекистон Республикаси ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ) ҳажми жорий нархларда 110 517,8 млрд. сўмни ташкил этди ва 2019 йилнинг январь-март ойлари билан таққослаганда 4,1 % га

ўсди. Мева-сабзавот маҳсулотларининг экспорт ҳажми 1,4 млн тоннадан ошиб, 2016 йилга нисбатан 1,5 баробарга ўсишга эришилди.

1-жадвал

Мева-сабзавот маҳсулотларининг асосий ташқи бозорлари (экспорт географияси)						
	2020		2021		2022	
	Экспорт ҳажми, минг тонна	Экспорт ҳажмидаги улуши, фоизда	Экспорт ҳажми, минг тонна	Экспорт ҳажмидаги улуши, фоизда	Экспорт ҳажми, минг тонна	Экспорт ҳажмидаги улуши, фоизда
Қозоғистон	473,1	40,8	584,7	47,5	584,7	22,7
Россия	214,9	18,5	103,1	23,5	475,2	40,5
Қирғизистон	109,4	9,4	45,4	14,5	46,4	15,1
Афғонистон	32,8	2,8	73,4	6,0	75,4	7,0
Туркия	58,5	5,0	23,0	1,9	25,0	2,9
Хитой	36,4	3,1	30,5	8,7	38,5	4,7
Покистон	34,2	3,0	29,8	2,4	34,8	3,2
Украина	52,7	4,0	14,8	1,2	18,8	3,2

Европа, хусусан, Туркия, Россия, Афғонистон, Украина, Хитой, Жанубий Корея каби мамлакатларда Ўзбекистонда етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига талаб ортиб бормоқда. Бу эса ўз навбатида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш фермерлар ва қайта ишлаш соҳаси корхоналарига маҳсулотлар сифати ва хавфсизлигини таъминлаш борасида янада чуқур маъсулият ва жавобгарлик ҳиссини юклайди. Шу билан бирга ўз навбатида, бундай ижобий кўрсаткичларни янада яхшилаш ушбу соҳадаги мавжуд қонунларни ва қонун ости ҳужжатларини халқаро стандарт талаблари асосида такомиллаштиришни талаб этади.

Шу билан бирга, жаҳон бозорида маҳсулотларга қўйилган сифат ва хавфсизлик, органик маҳсулотларга талабларнинг тобора кучайиб бориши, республикада етиштирилаётган маҳсулотларнинг халқаро бозорлардаги ўрнини мустаҳкамлаш қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сертификатлаштириш жараёни учун қўшимча чоралар кўришни талаб қилмоқда.

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, жорий йилда 22 млн тоннадан ортиқ мева-сабзавотлар ишлаб чиқарилди ва ўсиш **106,1 фоизни** (ш.ж: деҳқончиликда 107,5%) ташкил этди. Жумладан, 11,6 млн. тн (111,4%) **сабзавотлар**, 3,3 млн тн (115,8%) **картошка**, 2,3 млн тн (108,6%) **полиз**, 3 млн тн (106,3%) **мева**, 1,8 млн. тн (111,5%) **узум**, шунингдек, 7,9 млн тн (104,8%) **дон ва дуккакли** дон экинлари, қарийб 3,4 млн тн (110%) пахта хомашёси етиштирилди.

Шу билан бирга, жаҳон бозорида

маҳсулотларга қўйилган сифат ва хавфсизлик, органик маҳсулотларга талабларининг тобора кучайиб бориши, республикада етиштирилаётган маҳсулотларнинг халқаро бозорлардаги ўрнини мустаҳкамлаш қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сертификатлаштириш жараёни учун қўшимча чоралар кўришни талаб қилмоқда.

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорт кўлами бўйича юқори ўринда турадиган маҳсулотлар турига киради ва ички бозорнинг ҳам энг муҳим маҳсулотларидан бири ҳисобланади. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари тўғридан тўғри истеъмол қилинадиган ҳамда инсон саломатлигига тўғридан-тўғри таъсир этувчи омил ҳисобланади.


Давлат томонидан аграр соҳани қўллаб-қувватлаш, иқтисодий манфаатдорлигини ошириш бўйича амалга оширилган тизимли тадбирлар натижасида жорий йилда **1 гектар** майдондан олинган ўртача даромад **47,2 млн сўмни** (ўтган йилга нисбатан 2 баробар кўп) ташкил этди.

Аграр соҳани ислоҳ қилиш, қишлоқ хўжалигида бозор механизмларини, замонавий инновацион технологияларни жорий қилишнинг норматив-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш мақсадида жами **63 та** ҳужжатлар, шундан **6та** Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг **9та** Фармони, **26та** қарори, Вазирлар Маҳкамасининг **42та** қарори қабул қилиниб, ислохотларнинг ҳуқуқий

асослари янада такомиллаштирилди. Қишлоқ хўжалигида ер муносабатларини тартибга солиш, озиқ-овқат саноатини ривожлантириш ҳамда соҳани рақамлаштириш бўйича қўшимча вазифа, функция ва ваколатлар вазирликка ўтказилди.

Шуни таъкидлаш керакки, жаҳон бозорида маҳсулотларга қўйилган сифат ва хавфсизлик талабларининг тобора кучайиб бориши, республикамизда етиштирилаётган маҳсулотларнинг халқаро бозорлардаги ўрнини мустақкамлаш учун қўшимча чоралар кўришни талаб қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 18.05.2020 йил фармони, ПФ-5995-сонли қарорига асосланган ҳолда Республикада Органик ва Глобал Г.А.П халқаро стандартлари талабларига мувофиқ маҳсулот ишлаб чиқариш, тартибга солиш ва мувофиқлаштириш тизимларини ривожлантириш, қишлоқ ва ўрмон хўжалиги маҳсулотларининг сифат ва хавфсизлик кўрсаткичларини яхшилаш, экспорт географиясини кенгайтириш, шунингдек, мамлакатимизнинг органик маҳсулот ишлаб чиқариш салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиш имкониятини ошириш бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқда.



Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг экспорт географияси ва ҳажми ошиб, 92 та мамлакатга 2,4 млрд долларлик 119 хил турдаги 5,5 млн. тонна маҳсулотлар экспорт килинди. 24 та янги тулов куввати юқори булган Норвегия, Швеция, Швейцария, Кипр, Буюк Британия, Люксембург, Австралия, Кувайт, Уммон каби давлатларга мева-сабзавотлар экспорти йулга қўйилди. Хусусан, 2020 йилда пандемия шароитига қарамадан киймати 1 млрд доллардан (2016 йилга нисбатан 2 баробар куп) зиёд 1,5 млн.тонна (187%) кишлок хужалиги

маҳсулотлари экспорт килинди.

Бугунги кунда жаҳон озиқ-овқат бозорларига уз маҳсулотларини экспорт килувчи товар ишлаб чиқарувчилар олдида турган энг мухим вазифалардан бири — бу маҳсулотларнинг рақобатбардошлик даражасини баҳолай олиш ва тўғри аниқлашдир.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ташқи кўриниши, таъм хусусиятлари ва асл ҳолатини сақлаб қолиши жаҳон бозорларида юқори нархларда сотиш имконини беради.

Қ ў м и т а маълумотларига кўра, 2020-йилнинг январ-декабр ойларида тармоқнинг ижобий ўсиш суръатига асосан қуйидаги маҳсулотларнинг 2021 йилнинг мос даврига нисбатан юқори ўсиш суръати қайд этилганлиги орқали эришилган.

- Гўшт (тирик вазнда) — 2,1 фоиз
- Сут — 2,8 фоиз
- Тухум — 0,7 фоиз
- Дон ва дуккакли дон экинлари — 1,7 фоиз
- Сабзавотлар — 2,4 фоиз
- Озиқбоп полиз экинлари — 3,2 фоиз
- Мевалар ва резаворлар — 4 фоиз
- Узум — 2,2 фоиз
- Овланган балиқ — 18,4 фоиз

Кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини йигиш, ташиш, саклаш, кайта ишлаш, кадоклаш ва экспорт килиш жараёнларини камраб оладиган замонавий агрологистика марказларининг ўрни аҳамиятлидир. Бугунги кунда юртимизда 31 та агрологистика маркази, 1 минг 500 та совуткич омборлар бор. Уларда жами етиштириладиган мева-сабзавотнинг 4,5 фоизинигина саклаш мумкин. Бу жуда кам, албатта.

Давлат раҳбари томонидан 2025 йилга қадар совуткичлар сонини 4 минг 500 тага, агрологистика марказларини 140 тага етказиш вазифаси кўйилди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини жаҳон бозорига, жумладан, Европа Иттифоқи мамлакатларига экспорт қилиш, табиийки, мамлакат ҳукумати томонидан яратилган барча шароит ва имкониятларга қарамай, мураккаб ва масъулиятли ҳаракатларнинг изчил жараёнидир.

Хулоса ва таклифлар. Юқоридаги фикрларимизнинг хулосаси сифатида айтишимиз мумкинки, энг асосий урғу **ҳосилдорликни оширишга** қаратилган бўлиши керак. Ўзбекистонда пахта, буғдой, помидор, картошка, сут ва бошқа маҳсулотларнинг ўртача ҳосилдорлиги унинг ҳақиқий қувватидан анча паст. Бу кўрсаткичнинг ошиши нафақат хўжаликлар ва агро-корхоналар даромади ва экспортини

оширади, балки айна пайтда пахта ва буғдой билан банд бўлган қўшимча ер майдонларини бошқа, **қўпроқ даромадли экинларга** ўтказиш имконини беради. Тўғри, ҳосилдорликни кескин ошириш бир қарор билан ёки қисқа вақтда амалга ошмайди. Бунинг учун бир неча йил давомида машаққатли меҳнат, инвестициялар талаб этилади.

Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараккиётининг сифат даврини намоён этаётган сўнгги беш йиллик даври мобайнида тарихан ўтган 25 йиллик тажрибанинг танқидий асослари чуқур ўрганилиб, кенг кўламда тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бунда ўтган бир неча йиллик ҳар бир давр ўзидан олдингисига нисбатан илгариларчи ўши суръатларини кўрсатаётир.

Истиқлолнинг дастлабки йилларида қишлоқ хўжалигининг ялпи ички маҳсулотимиздаги ҳиссаси 30 фоиздан ортиқ бўлган, эндиликда бу 14-15 фоиз салмоқни ташкил этиши билан бир қаторда агро озиқ-овқат ва умуман қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари истеъмолчи мустақиллигига эришилди.

Шу билан бир қаторда соҳада юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш кўлами ҳам кескин ошди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари юртимиз саноатининг

сифатли хомашё ва ярим тайёр маҳсулотлари таъминотчиси сифатида ўз ўрнига эга бўлди ҳамда бу борада импорт ўрнини деярли қоплади.

Соҳада бугунги кун талабларидан келиб чиқадиган янги вазифа ва чора-тадбирлар асоси сифатида куйидаги таклифлар ўринли деб ҳисоблаймиз:

- экспорт билан шуғулланувчи қўшма корхоналар ташкил этиш, ёки тўғридан тўғри чет эл инвестицияларини жалб этиш;

- қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг логистика ва ташиш-транспортировка (рақобатбардошлик) кўрсаткичларини ошириш;

- халқаро бозорда юқори талабга эга қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш буйича илғор давлатлар тажрибаларини пухта ўзлаштириш;);

- ахборот алмашилишида рақамли технологиялардан кенг фойдаланиш зарур, бунда айниқса қишлоқ ва туманлар фаоллигини таъминлаш;

- фермер хўжаликларининг қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш билангина чекланмай балки уларни сақлаш, қадоқлаш ва экспортга жўнатиш каби хизматларни ўзлаштиришлари зарур.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 майдаги ПФ сонли “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг сифат ва хавфсизлик кўрсаткичлари халқаро стандартларга мувофиқлигини таъминлашга доир қўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ги қарори.

2. «Ўзбекистонда озиқ овқат хавфсизлигини таъминлашнинг назарий асослари ва устувор йўналишлари». Республика илмий – амалий анжумани илмий мақолалар ва маърузалар тўплами. (2016 йил 15 декабрь) – Т.: «ТДИУ», 2016. – 432 б

3. Муминов Н.Ш., А.РАбдирайимов, Асилова Ф.М, Ақобирова Н.Н. Стандартизация и сертификация в обеспечение качества и безопасности, а также экспортоориентированности сельскохозяйственной и пищевой продукции. «Вестник аграрной науки Узбекистана» Республиканский научно-практический журнал, входящий в перечень научных изданий ВАК РУз. №4 2020 год.

4. Муминов Н.Ш. Қишлоқ хўжалиги ҳамда озиқ-овқат маҳсулотларини сифат ва хавфсизлигини ҳамда экспорт салоҳиятини ошириш имкониятлари. ТКТИ. Кимё ва озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлигини таъминлашда инновацион технологиялар Халқаро илмий-техникавий конференция тезислар тўплами. Ташкент- 2022г. 7-13 бетлар

5. O'z DSt ISO 22000:2018 Озиқ – овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш тизмасидаги барча ташкилотларга қўйиладиган талаблар.

Ахборот манбаалари:

1. www.gov.uz – Ўзбекистон Республикаси ҳукумат портали
2. www.standart.uz – «Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш» агентлиги сайти
3. www.iso.com – Халқаро стандартлаштириш ташкилоти сайти
4. www.ziyonet.uz – Ўзбекистон таълим портали
5. www.lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари портали